

ЙЎЛЛАР ВА ЙЎЛСИЗЛИК ОРАЛИГИДА

Тожиёв Алимурод Алиакбарович

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил тадқиқотчиси*

Резюме. Ушбу мақолада таниқли ўзбек ёзувчиси Хайриддин Султоновнинг “Дунёнинг сирини” ҳикояси ҳамда “Ишонч телефони” қиссалари мисолида адиб услуби, характер яратиш маҳорати, тил ва тасвир имкониятлари таҳлил қилинади.

Калиг сўзлар. Ҳикоя, услуб, қахрамон, тугун, сюжет, пейзаж, деталь, характер, конфликт, рухий таҳлил, коллизия, полифоник, парадокс.

Resume. In this article an author’s artistic style, his ability to create characters, variety of language and description are analyzed using the example of the works of Khairiddin Sulstonov – the story “The Secret of the World” and the tale “Helpline”.

Keywords. story, artistic style, protagonist, plot, subject, scenery, detail, character, conflict, psychological analysis, collision, polyphonic, paradox

Резюме. В данной статье анализируется художественный стиль и мастерство создания литературного характера писателем Хайридином Султаном на примере его рассказа “Тайна мира” и повести “Телефон доверия”, рассматриваются также языковые и изобразительные особенности повествования.

Ключевые слова. Рассказ, стиль, персонаж, завязка, сюжет, пейзаж, деталь, характер, конфликт, психологический анализ, коллизия, полифоник, парадокс.

Ҳар бир асар жонли тарих, ҳаётнинг бир бўлаги. Худди тирик организмдек, бадий баркамол асарнинг ҳам ўз табиати, характерини, ўзига хос дунёси бўлади. Мана шу “дунё” адибнинг ифода шаклида, услубида намоён бўлади. Аммо услуб ҳар қанча раво ва силлиқ бўлмасин, айтилмоқчи бўлган фикр жўн ва саёз бўлса, асар қуюқ бадий деталлар, рамз ва тимсоллар, турли тасвирий ифода воситалари билан қанча безатилмасин, бадий баркамол бўлолмайди. Бу ўринда ёзувчининг тасвирлаш маҳорати ва фикр эркинлиги, тасаввур ва тахайюлнинг кенглиги бош мезон саналади. Ботинида туғёнлар қайнаган ижодкорнинг бадиини истаги, аввало, жанр танламайди. Кўпинча асар ёзиб бўлингандан кейин унинг жанри белгиланиши мумкин. Асар ғояси, материалларнинг қамрови, характерлар динамикаси, сюжет кўлами ва айниқса конфликтлар салмоғи, рухий коллизиялар асар табиатини белгилашда асосий омил бўлиши мумкин.

Инсон шахсига кенг кўламда ёндашиш, қахрамоннинг ташқи оламидан кўра, кўпроқ ички дунёсини тасвирлаш тамойиллари таниқли ёзувчи Хайриддин Султон ижодида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Хайриддин Султон бирор бир мавзуга шунчаки қўл урмайди. Адиб ҳар бир асарида, у қайси жанрда бўлмасин, бирор фикр, хулоса ёки қандайдир фалсафий қарашни ўртага ташлайди. Унинг ҳар бир ҳикоясида ўқувчига айтмоқчи бўлган гапи, фикри, керак бўлса, ғояси бўртиб туради. Характернинг жўшқинлиги, образларнинг яраклаб туриши, халқона ва жарангдор тил адиб ижодий услубининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда адабиётшуносликдаги услуб тушунчасига қисқача тўхталиб ўтсак. Аристотел ўзининг “Поэтика” асарида услубни “Тасвирлашнинг турли усуллари” шаклида келтиради. Файласуф: “Бу соҳада асарлар тасвирлаш усуллари билан ҳам фарқланади. Зотан бир хил нарсани бир хил восита билан тасвирлаган ҳолда автор воқеаларга аралашмай ҳикоя қилиши ёки ўзини худди Ҳомердай тутиши мумкин. Ёки бутун ҳикоя давомида автор ўзлигича қолиши, ёхуд барча акс эттилувчи шахсларни гавдалантириши мумкин” [6, 22], дея услубга хос жиҳатларни келтириб ўтади.

Хайриддин Султоннинг “Куёш барчага баробар”, “Бир оқшом эртаги”, “Онамнинг юрти”, “Умр эса ўтмоқда”, “Бобурнинг тушлари”, “Йўқчилик ва тўқчилик”, “Бобурийнома”, “Саодат соҳили”, “Одамлардан тинглаб ҳикоя”, “Навоий-30”, “Ишонч телефони” каби насрий китоблари адибнинг тасвирлаш маҳорати боис ҳам ўқувчиларга манзур бўлган. Адибнинг “Дунёнинг сирини”, “Онамнинг юрти”, “Уч юз олтимиш тўрт кун”, “Йўқчилик ва тўқчилик” ва бошқа кўплаб ҳикояларида инсон ҳам ботиний, ҳам зоҳирий, ҳам ижтимоий, ҳам рухий томондан тадқиқ қилинади. Адибнинг ижодий олами, бадий ифодадаги индивидуал услуби, асарлари поэтикаси ва муаллифнинг маънавий дунёсини ўрганиш учун унинг биргина “Дунёнинг сирини” ҳикояси ва “Ишонч телефони” қиссаси етарли манба бўла олади деган фикрда ушбу асарлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратдик.

“Дунёнинг сирини” [7, 114] ҳикояси 1978-йилда ёзилган. Ҳикоя оддий сюжетга эга. Тоғлар қўйнида жойлашган сихатгоҳда Қундуз исмли эндигина тўйи бўлган навниҳол келинчак кутубхоначи бўлиб ишлайди. Бир қарасанг, келинчак ҳаётдан рози, тақдир бир ўзбек аёлига

нима керак бўлса борини берди: келишган, тушунган эр, ораста уй-жой, оққўнгил қайнота, ройишли қайни... Шу кизнинг Зумрад исмли опаси ўнинчи синфни битираётганда бир йигит билан қочиб кетади. Шу сабаб уларнинг оиласи шаънига доғ тушади, онаси қишлоқда бош кўтаролмай қолади. Орадан йиллар ўтиб, бу воқеа одамларнинг эсидан чиқади. Аммо онасининг эсидан чиқмайди: у Қундузни жуда кўп тергар, сал хато қилса кун бермасди. Опасининг исноди остида улғайган Зумрадни мактабни тугатиши билан “гумдон” қилишди.

Зумрадга тақдир кулиб боқди. У орзулаган уйга, чақмоқдек ёрга келин бўлди. Аммо шодон-шавқли, ширин ҳаётига тўсатдан оғу аралашди. У ишлаб турган кутубхонага дамқисма (астма) касалига чалинган Музаффар исмли йигит кириб келади-ю, унинг ҳаётидаги тартиб бузилади. Аёлнинг қалбидаги мувозанат йўқолади.

Музаффар аввали Қундузга эътибор қаратмайди, кутубхонага келар, эртадан кечгача китоб ўқир, сўнг индамай чиқиб кетарди. Бу ҳолат ҳали ҳаётга тўймаган, одамлар дунёсини яхши тушуниб-тушунмаган, қалбидан болалик ҳовури кетмаган Қундузнинг ғашига тегади. У йигитни гапга солади, кўнглини титкилаб кўради. Билдики, нимжон, ориқ, ҳадеганда йўтали тутиб, тоза ҳаво истаб, оламни ағдар-тўнтар қиладиган Музаффарнинг кўнгли бир уммон экан. Йигитнинг қалби дарё, нигоҳларида теран тафаккур, ўтқир ақлнинг учқунлари порлар, ичиккан, беозор чақнаб турган кўзларининг ичида олам-олам маъно бор эди.

Аёл икки-уч суҳбатдаёқ эркак ботинида беркиниб ётган улкан жавохирни кўриб қолади. Унга маҳлиёлик, ошuftалик, ғайриоддий ҳолда асирлик бошланади. У аёлнинг қалбида ухлаб ётган мудроқ туйғуларни уйғотиб юборади, дунёнинг бир ғарибгина бурчида оддийгина бахтдан сармаст бўлиб юрган аёлга ҳаёт бирдан англамаган, кўрмаган, билмаган сарҳадлари, кенгликлари, мўъжиза-ю сирларини кўрсатади.

Музаффар атайин, келинчакнинг кўнглини овлаш ёки манфуруна истак талвасасида эмас, шунчаки жавоб ўлароқ қилади бу ишни. Шу оддийгина суҳбат Қундузнинг кўнглини иккига бўлади: у икки тан, икки рух, икки қалб, икки олам ичида яшай бошлайди. Бу аёл учун, унинг қалби, руҳи учун ҳақиқий даҳшат, чидаб бўлмас азоб эди.

“Оламда одамзотнинг ақли етмайдиган бир сир бор, агар инсоннинг ақли етса, яшашнинг маъноси қолмайди”, дейди бир куни Музаффар.

Музаффар ақлли йигит эди, у ҳар нарсани кадрига етар, ҳаётда нима муҳим, нима номуҳим, нима лозиму, нима кераксиз, нима оқу нима қора, нима муқаддасу нима сароб эканини ўтқир ақли билан ҳис қилиб турарди. Шунинг учун Қундузнинг бахти бузилмаслиги, уни ҳаёти булганмаслиги учун бир қарорга келади: тўсатдан шифохонадан кетиб қолади.

Дунёнинг бир хокисор, бахтиқаро бандаси кетди-ю, унинг ортидан олам-олам ўй, дунё-дунё хотира, уммон-уммон азоб қолди. Буларнинг бари қандайдир мавҳум эди, ҳаммаси чалқаш-чулқаш, тушунарсиз, англамсиз туйғулар эди. Уларни изоҳлашга инсоннинг ақли ожизлик қилар ва бу воқеадан ларзага тушган ошиқ қалбини ҳеч ким даволай олмас, шунингдек, унинг ҳаётини ҳеч ким таҳрир қилмасди. Аслида ҳаёт шу, дейди муаллиф матн остида, дунё улкан сир, одамзод қалби ундан-да мураккаб жумбоқ, уни англаш ва ўзгартириш мушкул иш.

“Дунёнинг сирини” мана шундай мушоҳада ва талқинга йўл очувчи, инсоннинг ботинини заррабин орқали текширишга чорлайдиган ҳикоя. Аммо қанча ўрганилмасин, қанча кашф қилинмасин, қанча англолмасин, барибир одамзод дунёси асрорлари забт этилмаган чўққи мисол коим тураверади.

Хайриддин Султон – туйғушунос адиб. Унинг қайси асарини қўлга олманг, синчиклаб таҳлил қилманг, инсон катта сир-синоат, барибир уни тушуниб бўлмайди, деган мазмун, ғоя матн остида силқиб туради. Бу фикр, қараш тадрижи кейинги йилларда ёзилган “Омад”, “Миллатчининг жазоси”, “Мастона”, “Шодиёна” каби қатор ҳикояларида, “Ишонч телефони” қиссасида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Ҳаётни ҳамма ўзича тушунади, ўзича баҳолайди. Унинг орзу-армонлари ҳам, қувончу изтироблари ҳам, қарашларию тушунчалари ҳам ҳар хил. Шу парадокс сабаб инсонлар турли конфликтлар, нифоқу қарама-қаршилиқларга дуч келади. Кўпинча, инсон эмас, вазиятлар сабабчи бўлади. Аслида ҳамма мураккаблиқлар, бошқа табиатдаги инсоннинг руҳий дунёси, тушунчаю принципларига қаршилигидан келиб чиқади. Шундай зиддият ва синовлар ичида инсон улғаяди, иродаси тобланади, шахсий “мен”и, маънавий қиёфаси шаклланади, Йўлини, Манзилини, Ўзини топишга интилади.

Хайриддин Султоннинг “Жаҳон адабиёти” журналининг 2023 йил август сонидан эълон қилинган “Ишонч телефони” қиссасида шундай ўзини излаётган, ҳаётнинг оғир саволларига жавоб қидираётган инсонларнинг қалб оғриқлари, мураккаб синовлар қаршида қолган тақдирларнинг руҳий панорамаси акс эттирилган. Адиб ўзи ҳаётда кўрган, эшитган воқеа ва ҳодисаларни бир бадий тизимга, яхлит бадий қолипга солади. Бу қаҳрамонлар бир қарашда тўқима образ бўлиб туюлса, яна бир қарашда яқин ҳаётимиздаги айрим шахсларнинг прототипи акс этган бадий этюддек туюлади.

Бу ҳаёт йўллардан иборат. Умрнинг ўзи турли-туман йўллар йиғиндиси. Инсон ботинидаги

кечинмалар, туйғулари ва эътиқоди каби маънавий ҳодисалар асосида ҳам йўл ётади. Кимгадир тўғри, яна кимгадир эгри, кимгадир машаққатли, кимгадир осон ва кимгадир серсўқмоқ йўллар пешонага битилган экан, адиб бир неча тақдирлар – йўлларни бадиий тадқиқ қилиб, бугунги замондошларимиз маънавий қиёфасини акс эттиради.

Қисса сифатида тақдим этилган асар бир неча ҳаётий драмалардан иборат, уларнинг моҳиятида катта ижтимоий дард, маънавий изтироблар ётади. Ёзувчи бугунги одамлар дунёқарашини, эътиқоди-ю аъмолларини ақл чиғиридан ўтказди, уларнинг моҳиятига, ўзлигига назар ташлайди. Бугун ҳаётимизда уят, андиша, ишонч каби туйғуларнинг йўқолиб бораётганидан, янгиланаётган жамиятда инсон маънавий қадрият эмас, балки моддий субстанцияга, фақатгина истеъмолчилик кайфиятидаги индивидга айланиб қолаётганидан ёзғиради. Аслида ҳар бири салмоқли романларга материал бўла оладиган мазкур сюжетларни бир образ ўзаро боғлаб туради. Бу ҳамманинг муаммосини тинглайдиган, “дилда дарди бўла туриб” ҳаммага дардкаш бўладиган Моҳидил образидир.

Бугун техник-технологик ютуқлар, инсон ақлини лол қолдирадиган инновация ва ихтиролар натижасида инсон шахсига ёндашиш тамойиллари ўзгарди. Асрлар давомида улуғ ва муқаддас қадрият сифатида кўрилган, эъзозланган, мадҳ этилган инсон – асримизга келиб фақатгина моддий эҳтиёжлар қулига айланган, замон зайли, қандай усул билан бўлса ҳам, имкон борича кўпроқ бойлик орттириш истагида ҳар қандай пасткашликдан ҳазар қилмайдиган, ўзини ўтгаям, чўкқаям уришга тайёр бўлган бир жонзот ҳолига тушди. Адибнинг “Қобилов” номли ҳикояси мана шундай инсонлар ҳақида...

Ёзувчи бирор воқеани тасвирлар экан, уни анъанавий бадиий приёмлар билан эмас, гапни аввало, асосий масаладан, муаммодан бошлайди. Ҳикоядаги тугун қаҳрамоннинг илк жумласидан бошланади. Ҳар бир ҳикоя шартли равишда номланган, фақат ҳикоя қилинмоқчи бўлган тақдир эгасининг исми-шарифигина келтирилади, холос.

Бугун қайси ижтимоий тармоққа кирсангиз ёки қайси китоб дўконга берсангиз, инсонни қандай ўзгартириш, қандай қилиб ишлагандан тезда бойиб кетиш, қандай қилиб карьера ва ҳаётда муваффақиятларга эришиш ҳақидаги мотивация характердаги қаҳиринглар, ундовлар, чўпқақлар, ёлғонларга тўла китоблар ва рисолаларга кўзингиз тушади. Уларнинг ҳаммаси сизни бир йилда бойга айлантиради, ҳаётингизни ўзгартиради. Бир думалаб бошқа одамга айланиб қоласиз. Аслида буларнинг ҳаммаси маънавий фирибгарлик, инсоннинг нозик туйғуларини китиклаб, ҳиссиётларини хорижий васвасашунослар китобларидан кўчириб олинган фикр ва иборалар ёрдамида кўзгатиб, чўнтагидаги сўнги чақасигача тортиб олишдек товламачилик эканлигини кўпчилик ҳам тушунмайди.

Аслида эса ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлади. Кимнинг пешонасига бой бўлиш, кимнинг пешонасига амалдор бўлиш, кимнинг манглайига олиму кимнидир тақдирга одам бўлиш дунёга келмасидан олдин ёзиб қўйилган. Инсон хоҳлаймизми-йўқми, тақдир измида. Қачонки инсон ўз моҳиятини ўзгартиришга, жамиятдаги стереотиплар ва қалбини эгаллаб олган кишанлардан озод бўлмас экан, уни ҳеч қандай мотивацион ғоялару маърузалар, тренингу китоблар ўзгартира олмайди. Ўзини ўзгартирмагунча оламниям, одамниям ўзгартиролмайди. Бахтнинг ёнида кулфат, чўккиннинг олдида тубсиз чоҳлар бор. Катта мақсадли одам бу йўлларнинг ҳаммасидан мардона ўтади. Эвази - қурбонлик. Неки топилса, қурбонликлар орқали, тоғдек ирода, чидам ва одамни зил қиладиган меҳнат орқали топилади. Афсуски, қанча қурбон берсаям, итдек меҳнат қилиб ҳаётда рўшнолик кўрмай ўтадиган қанчалаб тақдирлар бор. Жонингиз қанча жизилламасин, қанчалик раҳмингиз келмасин, ёрдам беришга уринманг, оқибатда фақат ўзингизга жабр қиласиз.

Ровий ҳикоя қаҳрамони Худойбердини камбағаллик ботқоғидан чиқармоқчи, унинг ҳаётини изга солишга қанча уринмасин, ҳеч биридан наф бўлмади. Бир тақдирни ўзгартириш оламни ўзгартиришдек мушкул муаммо. Ўзи ёнмаса, ўзи ўртанмаса, қодир Худонинг ўзи бермаса, ҳаётда ҳеч нарса ўзгармас экан. “Қўлдан берганга қуш тўймас”, деганларидек, инсонга берилган озроқ кўмак уни янада дангаса қилиши, “олиш”га ўргатиб қўйиши, таъмагирлик ботқоғига ботириши мумкин. У ботқоқдан эса чиқиш эса... Ҳикоя қаҳрамони қанчалик уринмасин, мақсадига эриша олмайди. Шунинг учун халқимизда “Бўлмаганга бўлишма”, “Қирқида тўлмаган чўнтак, қирқ йилдаям тўлмайди” каби мақоллар бор.

“Ишонч қўнғироғи” – полифоник асар. Унда ёзувчининг онгида ғужғон ўйнаган фикрлар, муносабат ва эътирозлар, исёну эътирофлар жамулжам.

Инсон қалби бошдан-оёқ жумбоқдан иборат. Баъзан фожиалар ичидан бахт топса, баъзида эса бахтли кунларидан фожа ясайди. Баъзида дунёни унутиб мажнунлик хирқасига беркингиси келса, гоҳида жамиятдан, тақдирдан озгина бўлсада, мурувват кутади. Асарда мурувватпешалар ва мурувватга зор тақдирларнинг мураккаб коллизияси, бугунги ҳаётимизда кечаётган маънавий - рухий парадоксларни бадиий панорамаси акс этган.

Қиссадаги “Бехрўз” ҳикоясига бир бутун роман сюжети сиғдирилган. Бехрўз яхши кунлар умидида Аллоҳдан сўраб олинган ўғил. У моддий жиҳатдан фаровон оилада ўсди, кучли

муаллимлар қўлида тарбияланди. Отаси ҳар қанча банд бўлмасин, уни кучли инсон, шахс сифатида тарбиялашга интилди. Беҳрўз ғарб анъаналари муҳитида тарбияланди, руҳи юксак илм ва тафаккур ўзанларидан озиқланди, ғарбча кадрятлар бағрида улғайди. Отанинг орзуси рўёбга чикди – фарзанди эл назаридаги инсон, барча замонавий илмларни эгаллаган ноёб кадрга айланди. Яқин ўтмишимиздаги тафсилотлари бизга эртақдек туюладиган бизнес империясининг кучли менежерига, миллионларнинг “кумири”га айланган афсонавий “леди”нинг асосий ричагига айланди. Аммо... Бу ҳаётда яхши инсон бўлиш учун фақатгина илмнинг ўзи камлик қиларкан. Биз бу ҳаётда асосий нажотни илмда деб биламиз, аслида ҳам ҳақиқат шу. Аммо ҳаётнинг ундан ҳам кучли ички қонуниятлари бор экан. Бу бутун умр ўрганиладиган, англаниладиган ва чегараси йўқ илм экан. Яъни, ҳаёт илмини ҳеч ким ўргатоилмас экан. Беҳрўзнинг отаси умр шомида ҳаётнинг шундай ҳақиқатларини топгандай бўлди: умри бесамар кетганини, кўп хатолар қилганини тушунди, умр қарвонининг сўнгги манзилларида тавба ёстигини қучоқлаганча, фарзандларини бу йўлдан қайтармоқчи бўлди. Афсуски, кеч бўлганди. Эру хотин орасидаги доимий тушунмовчиликлар, эътиқод ва ҳаёт борасидаги қарашлардаги зиддиятлар натижасида бутун бир оила парчаланиб кетди. Ҳикояни бир нафасда ўқийсиз, воқеалар шиддати нафас олдиригани кўймайди. Ҳикоядаги Ақром Асадович образи неча марта орага тушиб бўлақларга бўлиниб кетган оила орасидаги мувозанатни тикламоқчи бўлади. Аммо поезд кетиб бўлган, оила боғи вайрон бўлиб улгурган, ўртадаги ришталар мутлақо узилиб бўлганди.

Шу ўринда ўқувчи кўнглида бир савол туғилади. Беҳрузнинг тақдири нимага бу қадар аянчли яқун топди? Ҳаётда шунча меҳнат қилиб ҳам одамзот шунчалар бахтсиз бўлиши мумкинми? Ҳар ким бу саволга ўзича жавоб топади. Кимдир бола соф ўзбекона муҳитда тарбияланмаганлиги учун деса, кимдир эру хотин орасидаги азалий нифоқ, адоқсиз жанжаллардан бешиб кетган боланинг кўнглида туғилган исён ва қасос сабаб деб айтади, кимдир эса оиланинг дастурхонига кўп бора илашган ҳаром луқмаларнинг жавоби деган иштибоҳда қолади.

Адиб “Ишонч телефони” орқали ўқувчига йиллар давомида кўнглида йиғилган кўплаб ҳаётий ҳақиқатларни айтгиси, улар орқали ўқувчини недандир огоҳлантиргиси келади, аммо вақти имкони тиғизлигини ҳисобга олиб, уларни бир тезис ёки қисқача баён тарзида тақдим этади. Асардаги Моҳидил Исматова – барча фожеликларни эшитиб, ҳис қилиб, унинг ичида яшайдиган образ. У турли аччиқ-чучук тақдирлар, чигалдан-чигал қисматлар ичида яшайди, ҳамманинг дард-ҳасрати, ғавғо-ю шўришларини тинглайди. Улуғ аллома Жалолиддин Румий “Бок ҳаёли бокқа элтар” деганидек, изтироб, дард, фалокатга дучор аламзада каслар, қисматлар уммониға Моҳидилнинг ўзи ҳам ғарқ бўлади. Асардаги фожей драмалар, психологик-трагик воқеликлар, романтик-лирик кечинмалар ва қисса пировардидаги трагик ечим шундай ўйлашимизга асос беради.

Моҳидил жамият дардларини эшитди, аммо уни эшитувчи топилмади, у кўп, жуда кўп саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, аммо ўзининг ҳаёти жавобсиз саволга айланади. Аслида ҳаётимизда неча-неча моҳидиллар шундай ҳаёт фитналарига алданиб, тақдир чархпалагининг зилдай тошлари остида қурбон бўлади.

Бедардлик – маънавий ўлим, кўп дард эса инсонни хароб қилади. Йўлсизлик – маънавий ўлим, аммо йўлнинг кўплиги ҳам ақлдан оздиради. Моҳидил Исматова шундай – йўллар ва йўлсизлик оралиғида аросатда қолди. Қиссадаги ҳар бир драма савол бўлса, Моҳидил драмаси энг катта савол, ҳаётнинг, жамиятнинг, бугуннинг саволи. Мана шундай саволлар асносида асар ғояси, ёзувчининг ўз замондошларига айтмоқчи бўлган фикрлари, армону тазаррулари, таъкид ва хулосалари туғилади. Уни қандай тушуниш, англаш ва яшаш ўқувчининг тафаккури, маънавий оламиға боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Хайриддин С. Уч юз олтмиш тўрт кун. – Т.: Ozbekiston. 2019. – 442 б.
2. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Т.: “Фан”. 2006. – 204-б.
3. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом. 2018. – 364-б.
4. Камю А. Исён ва санъат («Исёнкор одам» китобидан /Рус тилидан Н. Эшонқул тарж.) // Жаҳон адабиёти. 1997. 1-сон. – 183-196-бб.
5. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т.: Akademnashr. 2014. – 14 б.
6. Арасту. Поэтика. – Т.: Янги аср авлоди, 2012. – 22 б.
7. Хайриддин С. Уч юз олтмиш тўрт кун. – Т.: Ozbekiston. 2019. –114-б.